

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 2 сон**

5. Sysoev P.V. Linguistic corpus, corpus linguistics, and methods of teaching foreign languages // Foreign languages at school. 2010. No. 5. P. 12–21.
6. Rykov V.V. Corpus of texts as a reflection of the state of the Russian language // Proceedings of the International Congress "Russian language: historical fate and modernity." M.: Moscow State University, 2001.
7. Rykov V.V. Corpus linguistics (scientific and analytical review) // Social and humanitarian sciences: Foreign literature. : INION, 1996. No. 4. P. 43–51.
8. Rykov V.V. Pragmatically oriented corpus of texts // Dialogue 99. Moscow: Tarusa, 1999.
9. Evstigneev M.N. The structure of ICT competence of a foreign language teacher // Language and culture. 2011. No. 1 (13). S. 119-125.
10. Sysoev P.V., Evstigneev M.N. Competence of a foreign language teacher in the use of information and communication technologies: definition of concepts and component composition // Foreign languages at school. 2011. No. 6. P. 16–20.

### **Й. В. ГЁТЕ “ФАУСТ” АСАРИДАГИ ҲИКМАТЛАР ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА**

Наманган давлат университети  
Улканов Акмал Аъзамжонович ўқитувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада Й. В. Гётенинг “Фауст” трагедиясидаги ҳикматли сўзларининг ўзбек тилидаги таржималари ҳақида фикр юритилади. Таржима таҳлили Э. Воҳидов ҳамда П. Усмон томонидан қилинган асар таржималари асосида олиб борилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Тўлақонли таржима, тасвирий таржима, тахминий таржима, сўзма сўз таржима, мақол, матал, идиома, фразиологик бирлик, ҳикматли сўз, афоризм, эквивалент.

### **О ПЕРЕВОДЕ АФОРИЗМОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ „ФАУСТ“ А Й. В. ГЁТЕ**

Наманганский государственный университет  
Улканов Акмал Аъзамжонович преподаватель

**Аннотация:** В этой статье речь идёт о переводах на узбекский язык изречений в трагедии «Фауст» Й. В. Гёте. Анализ перевода делается на основе перевода произведения Э. Вохидовым и П. Усманом.

**Ключевые слова и выражения:** полноценный перевод, описательный перевод, приближительный перевод, дословный перевод, пословица, поговорка, идиома, фразеологическая единица, изречение, афоризм, эквивалент.

### **About translation of the words of wisdom in the masterpiece “Faust” by J. W. Goethe**

Namangan State University  
Ulkanov Akmal Azamjanovich teacher

**Annotation:** The words of wisdom in Uzbek translations of the tragedy “Faust” by J. W. Goethe will be discussed in this article. Analysis of the translation will be based on the translations of the masterpiece by E. Vohidov and P. Usmon.



**Key Words and expressions:** Full translation, literary translation, approximate translation, literal translation, proverb, parables, idiom, phraseological unit, words of wisdom, aphorism, equivalent.

Таржима тилга янги ғоялар, фикрлар, тушунчаларни олиб келади, адабиётга янги образлар, бадиий-тасвирий воситалар армуғон этади. Таржима туфайли халқлар ўртасида маданий ва адабий алқалар тобора кенгаяди, мустаҳкамланади. Бадиий таржималар тилни бойитиб боради; унга янги тушунчалар, янги сўзлар, янги мақол, матал ва қисман, янги идиомалар кириб келади, унутилиб қолган айрим сўзлар яна ҳаётга қайтади, мавжуд сўзлар янги маъно касб этади ёки маъноси кенгаяди ва ҳоказо.

Таржимон Э. Воҳидов ҳамда П. Усмон томонидан таржима қилинган Й. В. Гётенинг дурдона асари бўлмиш Фауст ҳам бунинг ёрқин мисолидир. У Фаустни деярли бутун умри давомида ёзди. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, муаллиф ҳам бу асар билан умри давомида дардлашди. Шу боис, Гёте ижодини “Фауст” шоҳ асарисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Гётенинг чексиз уммон каби ижоди мазмун-моҳияти билан халқимизни биринчиларидан бўлиб илмий-адабий негизда чуқур таништирган улўғ шоир ва мутафаккир Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, “Гёте-Фауст” ёхуд “Фауст-Гёте” деган исмлар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, бирини иккинчисидан ажратишнинг мутлақо имкони йўқ. [2. 11]

Давримиз, асримиз – мураккаб давр, мураккаб аср. Ҳозирги одамларга зўраки, қуруқ насиҳатгўйлик, ақл ўргатиш ёқмайди. Ҳар бир одам у ёки бу даражада ўзича нима яхши-ю, нима ёмон, нима одобга киради-ю, нима кирмайди, деган саволларни ўз олдига қўйиб, ҳамиша уларга жавоб излайди. Айни шундай вазиятда асрлар оша яшаб келаётган ҳикматли сўзлар, буюк ёзувчилар, мутафаккир ва олимлар айтиб қолдирган фавқулудда фикрлар шу қадар асқотадики, китобхон уларга чин юракдан ишонади ва кўнглини беради. Ҳикматли сўзлар адибларнинг асарларидан ҳам дунёга келади. Гётенинг “Фауст” асарини севиб ўқилиши натижасида, ундаги оҳанграбодек айтилган сўзлар аллақачон ҳикматга айланиб халқ орасида яшаб келмоқда.

Фразеологик бирликлар мақол, матал, ҳикматли сўзлар сингари, ёзма ва оғзаки нутққа образлилик ва хиссиёт бахш этиб, унда айтилаётган воқеа, ҳодиса, нарсаларга бамисоли жон киритади. Улар туфайли бадиий асар ва жонли тилимиз ихчам, ширали, бой, кучли ва чиройли бўлади, таъсирчанлиги ошади, ўқиш ва уқиш енгиллашади.

Фразеологик бирликлар таржимаси назарияси ва амалиётининг энг мураккаб ва мунозарали масалаларидан бири бўлиб, уларни ўгириш таржи- мондан катта маъсулият, ижодий изланиш, синчковлик ва қобилиятни талаб этади. Таржимоншунос А.В. Фёдоров фразеологизмларни қуйидаги уч усул орқали таржима қилишни изоҳлайди:

- Фразеологизмлар таркибидаги сўзларнинг моддий маъносини тўлиқ сақлаган ҳолда аниқ таржима қилиш;
- Асл нусхадаги фразеологизмлар мазмунини ёки шаклини бир қадар ўзгартирган ҳолда таржима қилиш;
- Асл нусхадаги фразеологизмларни таржима қилинаётган тилдаги мавжуд бўлган муқобили орқали ўгириш;

Ўзбек китобхони “Фауст” фожеаномасини Эркин Воҳидов таржимасида ўқий бошлаганимизга мана қирқ йилдан ошди. У таржимани асарнинг асл немисчадан эмас, балки Б. Постернакнинг русча таржимаси асосида амалга оширган. Машхур, чуқур

фалсафий асарни омоншунос олим Пошо Али Усмон бевосита омон тилидан, яъни аслиятдан ўтирди. Ушбу икки таржиманинг ҳам машаққатли меҳнат, ижодий салоҳият, сабр ва бардош меваси сифатида ўзбек китобхонига катта тухфадир, деса бўлади.

“Фауст” асарининг янада китобхон учун қадрлилиги шундаки, унда одамлар учун сув ва ҳаводек зарур бўлган дурдона фикрлар келтирилган ва бу фикрлар ҳикматли сўзларга айланган. Шу ўринда Гётенинг ҳикматли сўзлар ҳақида келтирган фикрини айтиб ўтишни ўринли деб топдик: “Мен, айниқса, зиддиятли ҳодисаларга синчковлигимни уйғотувчи ва уша зиддиятларни ҳал этиб берувчи ҳар турли ихчам ҳикматли сўзларни қадрайман”. Шунинг учун ҳам “Фауст” ўз ичига бир қанча мавзулардаги афоризмларни ўз ичига олади. Биз ҳам асардаги келтирилган ҳикматли сўзлар ва афоризмларни қуйидаги мавзулар гуруҳларига ажратдик: хулқ одоби, сўзнинг қудрати, камолотга эришиш, санъат.

#### **Хулқ одоби ҳақида**

Dem Hunde, wenn er gut gezogen,  
Wird selbst ein weiser Mann gewogen.[7. 99]

*Э. Воҳидов таржимаси:*

Олимга ҳам эрмак учун ҳар нечук  
Керак ўргатилган шундай бир кучук. [3. 64]

*П. А. Усмон таржимаси:*

Кўрган бўлса гар ит яхши тарбия,  
Доноларни ҳам қиларкан маҳлиё [4. 49]

Бу парчада “Dem Hunde, wenn er gut gezogen, wird selbst ein weiser Mann gewogen” фразеологик бирлик ҳисобланади. Бу бирликда ўзбек тилиги сўзма сўз таржима қилсак “агарки ит яхши тарбия кўрса, у донишманд ҳисобланади” маъносини беради. Э. Воҳидов бу бирликни “Олимга ҳам эрмак учун ҳар нечук // Керак ўргатилган шундай бир кучук” деб таржима қилинади, яъни кучук олимга эрмак учун ўргатилган деган маъно ифодасини кўришимиз мумкин. Кўриниб турибдики аслиятдаги туб маъно сақланмаган ва ўзбек тилига қилинган таржимада ҳикматли маъно йўқолган. П. Усмон “Кўрган бўлса гар ит яхши тарбия, // Доноларни ҳам қиларкан маҳлиё” деб ўтирган. Бу таржимада аслиятдаги ҳикмат маъноси сақланган. Бу талқинни тўлақонли таржима деб аташ мумкин.

#### **Сўзнинг қудрати ҳақида**

Denn eben wo Begriffe fehlen,  
Da stellt ein Wort zur rechten Zeit sich ein. [7. 121]

*Э. Воҳидов таржимаси:*

Сиилиқ сўзлар топилса бошлаб –  
Маъносиз ҳам тузса бўлур гап. [3. 99]

*П. А. Усмон таржимаси:*

Маънию мазмун бўлмаган жойда  
Сўзни қилар ҳар ким истифода. [4. 78]

Бу ердаги аслиятдаги “Da stellt ein Wort zur rechten Zeit sich ein” қанотли сўз ҳисобланади [6. 237]. Агар биз маъносига эътибор берсак, “маъносиз гапни ҳам, бошқа сўзлар билан ўз ўрнида гапни тузатишимиз мумкин” ифодасини беради. Таржимон Э. Воҳидов назрида ҳеч қандай фразеологик бирликдан фойдаланмаган, фақатгина кўчма



маънода “силлиқ” сўзи кўчма маънода қўлланиб, таржиманинг бадийлигини оширган. Таржима сўзма-сўз амалга оширилган. П.А.Усмон қаламида бу бирикмалар *сўзни истифода қилмоқ* яъни *таъкидламоқ* деб таржима қилинади. Бу ерда фразеологик бирлик қўлланилмаган. Лекин “Истифода” сўзи омоним ҳисобланади. “Истифода” сўзи ўзбек тилида 1) *лавозимдан кетиш* 2) *таъкидлаш* ифодасини беради [8. 311]. Омоним сўзлар ҳам асардаги бадийликни сақлаб қолишга хизмат қилади. Таржима сўзма сўз амалга оширилган.

Gewöhnlich glaubt der Mensch, wenn er nur Worte hört,  
Es müsse sich dabei doch auch was denken lassen. [7. 140]

*Э. Воҳидов таржимаси:*

Нодон одамлар-чи, куйиб уриниб  
Сўзнинг маънисини топганидан шод. [3. 139]

*П. А. Усмон таржимаси:*

Таҳлил қилмай сўз маъносини кишилар  
Эшитса борму, қилар унга эътиқод. [4. 107]

Бу ердаги фразеологик бирлик “Gewöhnlich glaubt der Mensch, wenn er nur Worte hört” жумлалари ҳисобланиб, уни ўзбек тилига ўтгирсак, “Одатда инсон нимаики эшитса, фақат шунга ишонади” маъносини беради. Э. Воҳидов бу жумлаларни “Нодон одамлар-чи, куйиб уриниб, сўзнинг маънисини топганидан шод” деб ифодалайди. Немис тилидаги *gewöhnlich* сўзи ўзбек тилида *одатда* таржимасини беради. Бу сўз таржимада “нодон” сўзига ўтиб қолган ва “одам” сўзи билан бирикиб, аслиятда учрамайдиган *нодон одам* сўз бирикмаси пайдо бўлган. Натижада аслиятдаги тарбиявий аҳамияти таржимада бошқа тарафга бурилганлигини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб биз ушбу таржимани тахминий таржима деб атадик. П. Усмон “Таҳлил қилмай сўз маъносини кишилар // Эшитса борму, қилар унга эътиқод”. Бу таржимада кўришиб турибдики, жумлалар сўзма-сўз таржима қилинган ва аслиятдаги ҳикмат ўз аксини топган.

**Камолотга эришиш ҳақида**

Der ganze Strudel strebt nach oben;  
Du glaubst zu schieben, und du wirst geschoben. [7. 187]

*Э. Воҳидов таржимаси:*

Интилмоқда ҳамма юксакка,  
Урилади тирсак тирсакка [3. 231]

*П. А. Усмон таржимаси:*

Баландга интилар оломон-гирдоб;  
Олға кетаман деб қилмагин хаёл,  
Олға сурилсан бегумон шу тоб [4. 174]

Бу ердаги қанотли сўз “Du glaubst zu schieben, und du wirst geschoben”

ҳисобланади. Ўзбек тилида ушбу мисралар “сен суришга ишонасан, натижада сен ўзинг сурилсан” маъноларини ифодалайди. Иккила таржимада ҳам фразиологик бирлик қўлланилмаган. Фақатгина П. Усмон “урилади тирсак тирсакка” дея тасвирий таржимани амалга оширган. Ўзбек тилида бу ўринда ҳам ўз тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фразеологик бирликлар мавжуд. Улардан бирини келтирсак, “Сан қилсан ўттиз, ман қиламан тўққиз”. Таржимонлар худди шундай бирликлардан фойдаланишганда, бизнингча, янада асарнинг бадий буюқдорлигини оширишга хизмат қилган бўларди ёки

П. Усмон *Олга сурилсан бегумон шу тоб* жумласидаги *олга* сўзининг ўрнига *ортга* сўзи билан алмаштирилганда ҳам аслиятдаги тўлиқ маъно сақланган бўлар эди.

#### **Санъат ҳақида**

Was glänzt, ist für den Augenblick geboren;  
Das Echte bleibt der Nachwelt unverloren. [7. 68]

Э. Воҳидов таржимаси:

Жозиба онийдир, чин санъат холос  
Жилванинг умридур бир лаҳза фақат, –

П. А. Усмон таржимаси:

Авлодларга қолур ҳақиқий санъат. [3. 14]

Авлодлар наздида топади ихлос. [4. 14]

Бу ердги фразеологик бирлик “Was glänzt, ist für den Augenblick geboren” мисрасидир. Ўзбек тилига таржима қилсақ, “ялтираш бир сонияга хос” маъносини англатади. Э. Воҳидов “Жилванинг умридур бир лаҳза фақат” дея аслиятдаги маъносини топа олган. П. Усмон “Жозиба онийдир” дея, у ҳам аслиятдаги маънони сақлай олган. Натижада аслиятдаги ҳикматли жумлалар ўзбек тилида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун ушбу таржималарни ҳам тўлақонли таржима деб атасак мақсадга мувофиқдир.

Биз бу икки машҳур таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўтирилган Й. В. Гётенинг “Фауст” асарини таҳлил қиларканмиз, Э. Воҳидов таржимасида бадиий тароват ва раволик устивор, бироқ теран бир ботиний фалсафа мужассам бўлган мазкур асарда рух кўтаринкилиги, унинг шиддати, воқеа ва фожеаси П.А.Усмон таржимасида ўзига хос ёрқинлик касб этишини кузатишимиз мумкин.

Бир асарнинг бир неча марта таржима қилиниши мумкинлиги бадиий таржимага хос хусусиятлардан биридир. Чунки ҳар қандай тасвир ўз объектига қанчалик ўхшагани билан унинг “айнан ўзи” бўла олмайди. Зеро, ҳар қандай таржима ҳам асл нусханинг “айни ўзи” эмас. Адабиёт тарихида шундай ходисалар учраб қоладики, муаллифга ўзи яратган асари – аслида асл нусхасида, “ўз тили”да эмас, балки унинг бошқа тилга қилинган таржимасида кўпроқ манзур бўлади [5. 27]. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, ҳар икки таржимоннинг ҳам бу асар устида қилган меҳнатлари тақсинга лойиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бадиий таржималар тилни тобора бойитиб боради; унга янги тушунчалар, янги сўзлар, янги мақол, матал ва қисман, янги идиомалар кириб келади, унутилиб қолган айрим сўзлар яна ҳаётга қайтади, мавжуд сўзлар янги маъно касб этади ёки маъноси кенгайди ва ҳоказо. Шунинг учун бадиий таржималар инсон тафаккурини ривожланиши учун жуда муҳим рол ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. А. Саидов. Ўзбегимнинг эркин ўзбегини. Т.: Akademnashr. 2018
2. Шайхзода М. Йоханн Вольфганг Гёте (вафотининг 125 йиллиги муносабати билан) // Ўзбекистон маданияти. 1957 йил 20 март
3. И. В. Гёте. Фауст (Э. Воҳидов таржимаси). Т. : Гафур Ғўлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1985.
4. И. В. Гёте. Фауст (П. А. Усмон таржимаси). Тошкент -2007
5. Ғ. Саломов. Адабий анъана ва бадиий таржима. Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти 1980
6. Moebus Frank. Zur aktuellen Verwendung geflügelter Worte; das Beispiel “Faust”.

7. J. W. Goethe. Faust I/II Paralipomina Goethe ueber "Faust". Berlin und Weimar 1980
8. Ш. Рахматов. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.; Ўқитувчи 1978

### **ФОРИШ ШЕВАСИНИНГ АЙРИМ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР**

Ражаббой Набиев - Жиззах вилояти халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш малака ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси

*Аннотация:* Ушбу мақолада тадқиқотчилар этиборидан четда қолган Фориш тумани шеваларининг айрим лексик хусусиятлар ҳақида мулоҳазалар юритилган.

*Калит сўзлар:* шева, лексика, лексик қатлам, луғат, сўз, сўзлашув нутқи, ҳудуд, тадқиқот, адабий тил, уруғ, талаффуз.

### **О НЕКОТОРЫХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ФАРИШСКОГО ДИАЛЕКТА**

Раджаббой Набиев - преподаватель, Джизакский региональный учебно-подготовительный центр государственных образовательных работников

*Аннотация:* В данной статье обсуждаются некоторые лексические особенности диалектов Форишского округа, которые не были учтены исследователями.

*Ключевые слова:* диалект, лексика, лексический слой, словарь, слово, разговорная речь, территория, исследование, литературный язык, семья, произношение.

### **ABOUT SOME LEXIC FEATURES OF THE FARISH DIALECT**

Rajabboy Nabiev - teacher, dzhizak regional training and training center for state educational workers

*Resume:* This article discusses some lexical features of the Forish District dialects that were not taken into account by the researchers.

*Key words:* dialect, vocabulary, lexical layer, dictionary, word, colloquial speech, territory, research, literary language, seed, pronunciation.

Маълумки, шеваларни ўрганиш халқ тарихи, этник-маданий ҳаётини тадқиқ этиш учун қимматли материаллар беради. Чунки халқ шевалари адабий тилнинг ёзма манбаларига нисбатан анча қадимийдир. Халқ шевалари ўз вақтида ўрганилмас экан, вақт ўтиши билан уларга хос луғавий бойликлар унутилиши мумкин. Академик Ш. Шоабдурахмонов ўринли таъкидлаганидек, "Агар яқин келажакда ўзбек традицион лексикаси тўлалиги билан қайд этиб олинмаса, барча маъсулиятни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кекса авлод тугаб бориши билан тилнинг улар ҳофизасида сақланиб, бизгача етиб келган қимматли материалларнинг бир қисми ҳамишаликка йўқолиши мумкин" [1.325]. Халқимизнинг энг қадимги даврлардаги ҳаётдан ҳозирги кунгача бўлган турмуши, иш фаолияти, табиат ва жамиятга мунособати сингариларнинг ҳаммаси халқ шеваларида сақланиб қолган. Ҳақиқатан шундай. Она тилимиз луғавий бойлигини, хусусан, унинг хилма хил лексик қатламларини тадқиқ этиш, ўзбек тилининг айрим минтақа шеваларига хос луғат бойлигини ўрганиш ўзбек тилшунослиги, хусусан, унинг



59	The use of linguistic corpus in teaching a foreign language Tojiboyev G Sh, Rashidova Sh .....	312
60	Й. В. Гёте “фауст” асаридаги ҳикматлар таржимаси хусусида Улканов А.А .....	317
61	Фориш шевасининг айрим лексик хусусиятларига доир Набиев Р .....	322
62	Idiosyncrasy of jay parini’s biographical novel“the last station” Khajieva F.M .....	327
63	Гендер ва адабиётшунослик аёллар насри мисолида Муҳаммедова Х.Э .....	333
64	Абдулла Қаҳҳор тахаллусларининг лексик-семантик ва вазифавий хусусиятлари хусусида Низомова Ш .....	337
65	Поэтик шакллар тузилишидаги янгиланишлар Алдашева Ш.Ж .....	341
66	Хожа Аҳмад Яссавий ва “девони ҳикмат”нинг муаллифлик масаласи Исмоилов Қ.А .....	346
67	Шоҳнома” ва адабий таъсир масалалари Тўрабоева Х У .....	351
68	Factors that have influenced on khudoyberdi tukhtaboyev 's adventure novels Qo’chqorova M .....	355
69	“Uyat” konsepti tadqiqi To`xtasinova N.R. ....	361

**13.00.00**      **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**  
**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

70	Talabalarning intellektual imkoniyatlarini rivojlantirish Badalova S.I .....	365
71	Курашчиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири Шукуров М. Н .....	370
72	Педагогика коллежи ўқувчиларида коммуникатив компетенцияларнинг таркибий қисмлари Азизов О.Э .....	374
73	Профессионал таълим ўқитувчисини тайёрлашнинг долзарб масалалари Махсудов П.М .....	379
74	Бошланғич математик таълимнинг инновацион тараққиёти ва тизимли янгиланишларнинг ўзига хос жиҳатлари Abdusamatov A. S .....	384
75	Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг педагогик технологияси Раупова М.М .....	388